

**ТЕРГОВ ВА СУД ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК
ҚИЛУВЧИ ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ
ЮЗАСИДАН АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

Анорбоев Муроджон Раҳманқул ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни
муҳофаза қилиш академияси мустақил
изланувчиси, ю.ф.ф.д., (PhD) адлия
кичик маслаҳатчиси

***Аннотация.** Ушбу мақолада тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи ҳамда одил судловга қарши жиноятлар тушунчаси юзасидан айрим мулоҳазалар баён этилган. Одил судловни таъминлашда мазкур жиноятларнинг хавфлилиги, уларнинг ҳуқуқий тавсифи ва жиноий жавобгарлик чоралари таҳлил қилинган. Шунингдек, миллий ва халқаро қонунчилик доирасидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлар ўрганилган.*

***Калит сўзлар:** тергов, суд, одил судлов, тўсқинлик, жиноий жавобгарлик, қонунчилик, халқаро тажриба.*

***Аннотация.** В данной статье изложены некоторые соображения по поводу понятия преступлений против правосудия и препятствования деятельности следственных и судебных органов. Анализируется их опасность для обеспечения справедливого правосудия, правовая квалификация и меры уголовной ответственности. Также рассматриваются сходства и различия в национальном и международном законодательстве.*

***Ключевые слова:** следствие, суд, правосудие, препятствование, уголовная ответственность, законодательство, международный опыт.*

***Annotation.** This article presents some considerations regarding the concept of crimes against justice and obstruction of investigative and judicial bodies. It analyzes the dangers these crimes pose to ensuring fair justice, their legal classification, and criminal liability measures. Additionally, similarities and differences in national and international legislation are examined.*

***Key words:** investigation, court, justice, obstruction, criminal liability, legislation, international experience.*

Тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи одил судловга қарши жиноятларни тергов ҳаракатларини амалга оширувчи органлар ҳамда суд ҳокимияти фаолиятига тўсқинлик қилиш, аралашуш ёки уларга путур етказиш мақсадида содир этилган жиноятлар тушуниш мумкин. Мазкур жиноятлар қонун устуворлигига ва одил судлов тизимининг самарали фаолият юритиш қобилиятига бевосита таъсир қилгани учун ижтимоий хавфи юқори бўлган қилмишлардан ҳисобланади.

Ушбу тоифадаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги юқори эканлиги бундай жиноятлар нафақат бевосита одил судлов жараёнида иштирок этувчи шахсларга, шунингдек кенгроқ жамиятга, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва адолатга бўлган ишончи билан боғлиқ муносабатларга ҳам зарар етказиш имкониятига эгаллиги билан тавсифланади.

Тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятларнинг моҳиятини англаб олиш учун ушбу тоифадаги жиноятлар тушунчасини тўғри тушуниб олишимиз зарур.

Агар ЖК нормаларини кўздан кечирадиган бўлсак, тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар ЖК Махсус қисми бешинчи бўлимида одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган 16-бобидан ўрин олганлигини кузатишимиз мумкин. Яъни, тергов ва суд органлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи жиноятлар одил судловга қарши жиноят ҳисобланади. Шу сабабдан, ушбу соҳадаги жиноятларнинг моҳиятини тушунишда дастлабки қадам сифатида одил судловга қарши жиноятлар тушунчасини таҳлил қилишдан бошлаш ўринлидир.

Таъкидлаш зарурки, ҳокимиятнинг суд бўғинини кучайтириш, унинг обрў-эътиборини кўтариш ва ҳақиқий мустақиллигига эришиш, судни фақат жазоловчи муассаса эмас, балки асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида идрок этиш одил судловга қарши жиноятлар бобининг етакчи ғояларидир¹. Адабиётларда одил судлов тушунчаси тор ва кенг маънода турлича талқин қилинган ҳамда одил судлов билан боғлиқ муносабатларни жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратилган.

Жумладан, одил судлов тушунчаси тор маънода суд фаолияти сифатида тушунилган, яъни тор маънода одил судлов деганда, биринчи навбатда, судларнинг жиноят, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва шу каби муайян тоифадаги ишларни кўриб чиқишдаги қонуний фаолияти тушунилади. Ушбу талқинда фақат низоларни ҳал қилиш ва қонунни қўллашда судларнинг расмий ролига эътибор қаратилган. Жумладан, А.А.Власов одил судловни суд томонидан ўз ваколатлари доирасидаги ишларни, шу жумладан, қонун билан белгиланган процессуал тартибда амалга ошириладиган фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишдан иборат бўлган давлат фаолиятининг бир тури сифатида таърифлайди². Бу ўринда А.А.Власов одил судлов тушунчасига фуқаролик-процессуал ҳуқуқи нуктаи назардан ёндашган, шу сабабли, таърифда фуқаролик ишларига урғу берган. Бу борада бошқа олимлар³ ушбу атамага таъриф беришда жиноят, маъмурий ва бошқа соҳалардаги судлов масаласига ҳам эътибор қаратишади. Жумладан, Р.Кабулов ва А.Отажонов одил судловни тор маънода суднинг фуқаролик, маъмурий, жиноий ва бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси: илмий-амалий шарҳлар. / З.Х.Фуломов, Р.А.Зуфаров, Р.Қ.Қобулов ва бошқ. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 6.

² Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. – М.: ТК Велби, 2003. – С. 9.

³ Гуценко К.Ф., Ковалёв М.А. Правоохранительные органы. – М.: Зерцало, 2000. – С. 59.

тоифадаги ишларни ҳал қилишга қаратилган фаолияти тушунилишини баён этишган⁴. Аммо мазкур муаллифлар ҳам “бошқа тоифадаги ишлар” қайси тоифадаги ишлар эканлигига аниқлик киритишмаган. Ушбу йўналишдаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, одил судлов тушунчасини тушунишда олимлар асосан умумий юрисдикция судлари доирасига урғу беришган.

Мазкур ёндашувнинг асосий камчилиги аксарият судлов шаклларида истисно қилиниши ёки эътиборга олинмаслигидир. Яъни, аксарият олимларнинг қарашлари конституциявий суд жараёнлари каби баъзи ҳуқуқий соҳаларни истисно қилиб, тушунчани ноўрин тор талқин қилишади. Зотан, Конституциявий суд фаолияти, гарчи конституциявий назоратга қаратилган бўлса-да, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳам ўз ичига олади ва одил судловнинг бир қисми сифатида қаралиши зарур.

Тор маънодаги ёндашувнинг яна бир муҳим камчилиги бунда фақат судлар фаолияти қамраб олинади. Ҳатто Конституциямизда ҳам “Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади”, деб мустақамлаб қўйилган (130-модда). Бунда суриштирув, тезкор қидирув, тергов, прокуратура каби институтлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолияти одил судлов фаолияти ҳисобланмайдими, деган ҳақли савол туғилади.

Шу сабабли, олимлар одил судлов тушунчасига кенг қамровли таъриф ишлаб чиқишган. Жумладан, Р.Кабулов ва А.Отажоновга кўра, одил судловни кенг маънода тушуниш деганда, муайян тоифадаги ишларни қонуний ҳал этиш ва кўриб чиқиш бўйича суд ҳамда қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишда судга кўмаклашишга жалб этилган шахслар (эксперт, ҳимоячи, таржимон, холис ва бошқалар) ва давлат органларининг қонуний фаолияти тушунилади. Бундай тоифадаги давлат органларига суриштирув, тергов ва прокуратура органлари ҳамда суд ҳужжатларини ижро этувчи органлар киритилган⁵. Демак, кенг маънода одил судлов нафақат судларнинг турли соҳалардаги ишларни ҳал қилишдаги ролини, балки судларга ёрдам берувчи бошқа давлат органлари ва шахсларнинг фаолиятини ҳам қамраб олади. У ҳуқуқий жараёнларнинг самарали ва адолатли амалга оширилишини таъминлайдиган комплек тизимни назарда тутаяди. Бундай кенг қамровли ёндашув одил судлов нафақат ҳуқуқий низоларни ҳал этиш, балки бутун

⁴ Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Ш.Т.Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Т.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 763.

⁵ Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Ш.Т.Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Т.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 763.

ҳуқуқий тизимнинг яхлитлиги ва самарадорлигини таъминлаш, унинг адолатли фаолият юритишини таъминлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат деган тушунчага мос келади.

Одил судлов тушунчасини тор ва кенг маънода тушуниб олган бўлсак-да, ушбу масалада баҳсли ҳисобланган бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, **ҳакамлик судлари ва арбитраж (судлари)** фаолияти ҳам одил судлов тизимига киритиладими? Зотан, мамлакатимизда 2006 йил 16 октябрдаги ЎРҚ–64-сон Қонунга⁶ асосан ҳакамлик судлари ҳамда 2021 йил 16 февралдаги ЎРҚ–674-сон Қонунга⁷ асосан арбитраж суди фаолиятига рухсат берилган ва уларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган.

Ушбу масалада ҳам қонунчилик нормалари ва олимларнинг фикрлари турлича, яъни бу борада яқдил асосланган хулоса ва ёндашув мавжуд эмас. Жумладан, М.Раджабов ва У.Қаландаровнинг фикрига кўра, ҳакамлик судлари давлат органлари ҳисобланмайди, шу сабабли одил судлов тизимига кирмайди, шунингдек, бундай судлар юридик шахс ҳисобланмайди ҳамда суд тизимини ҳам ташкил этмайди⁸. Ёки бу борада бошқа олимлар – О.А.Галустян ва В.П.Божиев одил судлов тушунчасига судлар томонидан фуқаролик, жиноий ва арбитраж ишларини суд мажлисларида кўриб чиқиш ва ҳал қилишдан иборат бўлган тушунча сифатида таъриф берганлар⁹. Яъни, ушбу олимларнинг ёндашувида арбитраж ишларини кўрувчи судлар фаолияти одил судлов тушунчаси қамровига тўғридан-тўғри кириши баён этилган.

Агар ушбу масалада миллий қонунчиликни таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизда бирорта қонунчиликда одил судлов тушунчасининг мазмуни очиқ берилмаганлигини кузатамиз. Шунингдек, бу борада қонунчиликдаги мавжуд нормалар ҳам ўзаро зиддиятли. Жумладан, Конституцияда одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, ЖКнинг одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бобида ҳам судлар фаолияти, шунингдек, суриштирув, тергов, прокуратура органлари ҳамда суд ҳужжатларини ижро этиш билан боғлиқ органлари фаолияти билан

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги ЎРҚ–64-сон Қонуни. // www.lex.uz/docs/1072079

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 февралдаги “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги ЎРҚ–674-сон Қонуни. // www.lex.uz/docs/5294106

⁸ Раджабов М., Қаландаров У. Ҳакамлик суди афзалликлари, турлари ва иш юритиш доираси. // Bukhara News, 2024 йил 31 март. // bukhara-news.uz/%D2%B3akamlik-sudi-afzalliklari-turlari-va-ish-yuritish-doirasi/

⁹ Галустян О.А. Правоохранительные органы: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. – С. 43-44.; Правоохранительные органы Российской Федерации: Учебник. / Под ред. В.П. Божьева. 3-е изд. – М.: Спарк, 1999. – С. 60-61.

боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган. Албатта, ушбу ҳолатга юқорида таҳлил қилинган одил судлов тушунчасининг тор ва кенг маънодаги талқини орқали жавоб олишимиз мумкин.

Аммо ҳамкамлик суди масаласида ҳам қонунчиликда нормалар зиддиятли. Жумладан, “Судлар тўғрисида”ги Қонунда мамлакатимизда суд тизими Конституциявий суд, Олий суд, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари ҳамда маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари, туманлараро маъмурий судлардан иборат эканлиги белгиланган¹⁰. Бундан тушуниш мумкинки, ушбу рўйхат қатъий бўлиб, бошқа ташкилотлар ёки тизимлар суд тизими сифатида қабул қилинмайди. Айтиш керакки, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда ҳакамлик судининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари тоифалари сифатида тан олинган (5-модда)¹¹.

Бу борада суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик муаммоларини тадқиқ этган олим Б.Ф.Юсупов халқаро судлар, ҳакамлик судлари томонидан чиқарилган қарорларни ижро этмаслик оқибатлари халқаро шартномаларга мувофиқ ҳал этилиши зарурлигини ҳамда бундай қилмишлар бўйича ЖК 232-моддаси асосида жавобгарлик юзага келиши зарурлиги хулоса қилинган¹². Шунингдек, Қозоғистонда ҳам ҳакамлик судлари томонидан чиқарилган суд ҳужжатларини ижро этмаслик суд ҳужжатини ижро этмаслик сифатида қаралишига доир илмий ёндашувлар¹³ мавжуд. Худди шундай бошқа хорижий олимларда ҳам хорижий, халқаро судлар ва арбитражлар қарорларини бажармасликда суд ҳужжатни ижро этмаслик жинояти таркиб мавжуд, деган қараш¹⁴ шаклланди.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон Қонуни. // www.lex.uz/docs/5534923

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258-II-сон Қонуни. // www.lex.uz/docs/26477

¹² Юсупов Б.Ф. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2012. – Б. 65.

¹³ Комментарий к Уголовному кодексу Республики Казахстан. / Под. ред.: И.Ш.Борчашвили. – Алматы: Жет: жарғы, 2007. – С. 908.

¹⁴ Уголовное право. Особенная часть / Под ред.: И.Я.Козаченко, Г.П.Новоселова и З.А.Незнамовой. – М., 1998. – С. 655.

“Судлар тўғрисида”ги Қонун ҳамда юқоридаги қайд этилган таҳлиллардан келиб чиқиб, ҳакамлик суди ҳамда қонунчилик ёки халқаро шартномасида назарда тутилган ҳолларда чет эл судлари ва арбитражларининг фаолиятини суд тизимига кирувчи органлар сифатида эмас, балки одил судлов фаолиятига кўмаклашувчи органлар ва шахслар сифатида қабул қилиш, шунингдек уларни одил судлов тушунчаси доирасида қамраб олиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда одил судлов тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

одил судлов деганда, конституциявий, жиноий, иқтисодий, фуқаролик, маъмурий, ҳарбий ва бошқа тоифадаги ишларни қонуний кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича суд тизимига кирувчи органлар ҳамда қонунчилик ва халқаро шартномаларга мувофиқ одил судловни амалга оширишда судга кўмаклашувчи органлар, ташкилотлар ва ишга жалб этилган шахсларнинг (суриштирув, тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, дастлабки тергов, прокуратура ҳамда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этувчи органлар, шунингдек, ҳакамлик судлари, чет эл судлари ва арбитражлар, эксперт, ҳимоячи, таржимон, ҳолис, гувоҳ ва бошқалар) қонуний фаолияти тушунилади.

Кейинги масала – одил судловга қарши жиноятлар тушунчасини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу масалада ҳам олимлар ўртасида яқдил қараш мавжуд эмаслигини кузатиш мумкин. Жумладан, ушбу масалада алоҳида тадқиқот олиб борган олим З.Х.Гулямов одил судловга қарши жиноятларни жиноятни тергов қилиш, суд қарорларини қабул қилиш ва суд ҳужжатлари ижросини қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш жараёнларининг тўғри йўлга қўйилишига тўсқинлик қилувчи, бу билан одил судлов манфаатларига жиддий зарар етказувчи қилмишлар сифатида тавсифлаган¹⁵. Мазкур таъриф орқали одил судловга қарши жиноятлар натижасида ҳуқуқий тизимга путур етиши, одил судлов тизимининг умумий яхлитлиги ва самарадорлигига таҳдид юзага келиши, жиноят натижасида етказиладиган зарарнинг юқори эканлиги, аҳолининг ҳуқуқ тизимига ишончи сусайиши, пировардида қонун устуворлиги бузилишига урғу берилганлигини кузатиш мумкин.

Т.К.Агузаров одил судловга қарши жиноятлар суднинг конституциявий, фуқаролик, арбитраж, маъмурий ва жиноий соҳалардаги ишларни кўриб чиқишни ўз ичига олган қонунчилик билан белгиланган функцияларини бузадиган ҳаракатларни ўз ичига олишини қайд этган. Шунингдек, ушбу олим

¹⁵ Гулямов З.Х. Общая характеристика преступлений против правосудия в Республике Узбекистан. // Журнал российского права. – 2002. – № 6. – С. 3.

бундай тоифадаги жиноятлар суд ҳокимиятининг Конституция ва қонунларга мувофиқ ўз ваколатларини самарали ва адолатли бажариш қобилиятини таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг процессуал фаолиятига путур етказишига эътибор қаратган¹⁶. Биз ушбу олимнинг фикрлари муфассал эмас, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, юқорида таҳлил қилганимиздек, ушбу фикрда ҳакамлик судлари ва суд ҳужжатларини ижро этиш каби тузилмаларнинг фаолияти билан боғлиқ қилмишлар қамраб олинмаган.

Бошқа олимлар томонидан берилган таърифларда суд ҳужжатлари ижроси масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, А.И.Рарога ва А.И.Чучаевага кўра, одил судловга қарши жиноятлар деганда суд органларининг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишдаги қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиб, ижтимоий хавф туғдирувчи, жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракатлар тушунилади. Бу жиноятлар одил судловнинг конституциявий тамойилларини таъминловчи муносабатларга тўсқинлик қилади, далилларни тўплашнинг қонунда белгиланган тартиб-қоидаларини бузади, суд органларининг жиноятларга тезкорлик билан чек қўйиш ва тергов қилиш борасидаги ҳаракатларига тўсқинлик қилади, қонуний кучга эга бўлган суд қарорлари ижросига путур етказади¹⁷. Мазкур таърифда одил судловга қарши жиноятлар суд органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилувчи ва ижтимоий хавфли қилмишлар сифатида тавсифланади. Ушбу таъриф кенг камровли, аммо унинг афзал ва айрим баҳсли жиҳатларини эътироф этиш мумкин. Жумладан, таърифда одил судловга қарши жиноятлар суд-ҳуқуқ тизимининг фаолиятига путур етказиши сабабли ижтимоий хавфли эканлигини аниқ белгилаб берилган. Одил судловга тўсқинлик қилиб, бу жиноятлар барқарор ва тартибли жамиятнинг асоси бўлган қонун устуворлигига таҳдид солади. Шунингдек, унда ушбу жиноятларнинг суд органлари фаолиятига қандай тўсқинлик қилишига тўғри эътибор қаратилган. Бунга далилларни тўплашни тўхтатиш, терговга тўсқинлик қилиш ва суд қарорларининг ижросига тўсқинлик қилиш кабиларни назарда тутиш мумкин. Буларнинг барчаси адолат таъминланиши учун узлуксиз ишлаши керак бўлган одил судлов тизимининг муҳим жиҳатларидир. Айни дамда таъриф ушбу жиноятлар ижтимоий хавф туғдиришини тан олган бўлса-да, бу хавфни

¹⁶ Агузаров Т.К. Уголовно-правовое обеспечение независимости и неприкосновенности судей. Дисс... на соис. учен. степ. канд. юрид. наук. – М.: Московская государственная юридическая академия, 2003. – С. 143.

¹⁷ Рарога А.И., Чучаева А.И. Уголовное право России. Части Общая и Особенная. 5 изд. Инфра-М, 2004. – С. 674.

тавсифлашда жуда умумий ёндашувдан фойдаланилган. Буни жиноятлар жамиятга қандай таъсир қилиши, масалан, аҳолининг ҳуқуқ тизимига бўлган ишончини пасайтириш, жазодан озод қилиш ёки коррупцияга ҳисса қўшиши каби аниқроқ акс эттириш мумкин. Шунингдек, ёндашувда асосий урғу суд органларига қаратилган, аммо одил судловга қарши жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, прокуратура каби одил судлов тизимининг бошқа таркибий қисмларига ҳам таъсир қилиши мумкинлигини тан олиш ижобий жиҳат бўлган бўлар эди. Ушбу субъектлар одил судлов тизимининг ажралмас қисмидир ва уларга тўсқинлик қилиш ҳам одил судловга қарши жиноят ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу таъриф ва юқорида қайд этилган таърифлар одил судловга қарши жиноятларнинг субъектив томонига урғу беришмаган. Бунда қилмишда қасд ёки эҳтиётсизликнинг тан олиниши жуда муҳимдир.

Ушбу масалада Л.А.Спекторнинг қуйидаги қарашларини алоҳида эътироф этиш мумкин: жиноят ҳуқуқида одил судловга қарши жиноятлар давлат ҳокимиятига қарши қаратилган, судлар ва уларни қўллаб-қувватловчи органларнинг қонунда белгиланган функцияларига тўсқинлик қилувчи, суд вазифаларини бажариш ва одил судловга эришишга тўсқинлик қилувчи ижтимоий хавфли ҳаракатлар деб тан олинади¹⁸. Ёки М.М.Кадировнинг қайд этишича, одил судловга қарши жиноят деганда, Ўзбекистон Республикасида одил судловни амалга оширувчи суд органларининг, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов ва прокуратура органларининг одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи меъёрий фаолиятига қарши қаратилган мансабдор шахслар ёки бошқа шахслар томонидан содир этилган айбли, ижтимоий хавфли қилмиш тушунилади¹⁹. Демак, ушбу таърифларда юқоридаги таърифдан қўшимча равишда таҳлил қилинаётган жиноятлар судлар ҳамда уларни қўллаб-қувватловчи органларнинг белгиланган функцияларига тўсқинлик қилишига эътибор қаратилган бўлса-да, ушбу таърифда ҳам қилмишнинг субъектив томонини акс эттирадиган ҳолатлар кўрсатилмаган.

Ушбу масалада одил судловга қарши муайян жиноятлар бўйича тадқиқотлар ўтказган Б.Ю.Осупов ва А.Тошпўлатовнинг қарашлари ҳам диққатга сазавор. Ушбу олимларнинг фикрларини умумлаштириб айтиш мумкинки, одил судловга қарши жиноятлар суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья,

¹⁸ Спектор Л.А. Общая характеристика преступлений против судебной власти в сфере осуществления правосудия. // Гуманитарные и социальные науки. – 2014. – № 2. – С. 91б.; Спектор Л.А. Об ответственности за преступления против правосудия. // Международный научно-исследовательский журнал. – 2014. – С. 97.

¹⁹ Кадиров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. Учебник. – Ташкент: Адолат, 1997. – С. 298.

шунингдек, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан суриштирув, дастлабки тергов ҳамда суд иш юритуви тартибига оид қонунларни бузиш йўли билан одил судлов ва шахс манфаатларига зарар етказадиган, шу билан суднинг жиноят, фуқаролик ёки хўжалик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш вазифаларига тўсқинлик қилувчи қасддан содир этиладиган ижтимоий хавfli қилмишлар йиғиндиси²⁰. Шунингдек, бу борада К.Р.Идрисовнинг куйидаги фикри ҳам диққатга сазавор: одил судловга қарши жиноятлар деганда, одил судловни амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлари, одил судлов фаолиятини амалга оширувчи ёки уларга кўмаклашувчи органларнинг вазифалари ва мақсадларини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тўлқинлик қилувчи мансабдор шахслар ва бошқа шахслар томонидан қасддан содир этиладиган жиноят қонуни билан тақиқланган қонунга хилоф ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади²¹.

Кўриб турганимиздек, ушбу таърифларда масалалар муфассалроқ қамраб олишга ҳаракат қилинган. Хусусан, бундай тоифадаги жиноятларнинг қасддан содир этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Аммо таърифда суд ҳужжатларини ижро этиш, тезкор қидирув каби масалаларга эътибор қаратилмаган. Шунингдек, бугунги кунда судлар ихтисослигида етарли ўзгаришлар амалга оширилган бўлиб, жиноят, фуқаролик ёки хўжалик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш вазифаси ҳозирги одил судлов тизимини тўлиқ қамраб олмайди.

Р.Кабулов ва А.Отажонов томонидан берилган таърифда юқоридаги айрим баҳсли масалалар бартараф этилган: одил судловга қарши жиноятлар деганда, жиноят қонунчилигида тақиқланган ва суриштирув, дастлабки тургов, суд муҳокамаси ҳамда жазони ижро этишни тартибга солувчи қонунларни бузиш йўли билан одил судлов манфаатларига зарар етказадиган, фуқаролик, маъмурий ва жиноят судлов вазифаларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья ҳамда бошқа шахсларнинг қасддан қилган қилмишлари тушунилади²². Яъни, ушбу таърифда

²⁰ Юсупов Б.Ф. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2012. – Б. 17.; Тошпўлатов А.И. Ёлгон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2008. – Б. 22.

²¹ Идрисов К.Р. Преступления против правосудия, совершаемые должностными лицами органов предварительного расследования и суда. Дисс... на соис. уч. степ. канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2007. – С. 229.

²² Жиноят ҳукуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Ш.Т.Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Т.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Акадкмияси, 2016. – Б. 763.

суд ҳужжатларини ижро этиш ҳамда жиноятларнинг қасддан содир этилиши каби масалаларга ўринли эътибор қаратилган. Ўз навбатида, юқорида қайд этганимиздек, фақат фуқаролик, маъмурий ва жиноят судлов вазифалари ҳозирги одил судлов вазифаларини тўлиқ қамраб олмайди.

Ушбу масалада И.В.Гамазина томонидан берилган таъриф ҳам эътиборга лойиқ: одил судловга қарши жиноят – одил судловни амалга ошириш ҳамда ушбу фаолиятнинг вазифалари ва мақсадларини амалга оширишга кўмаклашиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи, бу соҳадаги органларнинг мансабдор шахслари ва бошқа шахслар томонидан қасддан содир этилган, жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш, қонунга хилоф хатти-ҳаракат (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)²³. Ушбу таъриф умумий хусусиятда баён этилган бўлса-да, лекин муҳим жиҳатларни ўзида акс эттирган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, одил судловга қарши жиноятлар тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

одил судловга қарши жиноятлар деганда, конституциявий, жиноий, иқтисодий, фуқаролик, маъмурий, ҳарбий ва бошқа тоифадаги ишларни қонуний кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича суд тизимида кирувчи органлар ҳамда қонунчилик ва халқаро шартномаларга мувофиқ одил судловни амалга оширишда судга кўмаклашиувчи органлар, ташкилотлар ва ишга жалб этилган шахсларнинг қонуний фаолиятига қарши қаратилган, шу жумладан, суриштирув, тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов ва суд жараёнларининг процессуал яхлитлигига путур етказадиган, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишига тўсқинлик қиладиган мансабдор ёки бошқа шахслар томонидан қасддан содир этиладиган, жиноят қонуни билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси: илмий-амалий шарҳлар. / З.Х.Ғуломов, Р.А.Зуфаров, Р.Қ.Қобулов ва бошқ. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 6.
2. Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. – М.: ТК Велби, 2003. – С. 9.
3. Гуценко К.Ф., Ковалёв М.А. Правоохранительные органы. – М.: Зерцало, 2000. – С. 59.

²³ Гамазина И.В. Преступления против правосудия, совершаемые лицами, осуществляющими предварительное расследование. // Вестник ТГУ. – 2012. – № 3 (107). – С. 336.

4. Жиноят ҳукуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Ш.Т.Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Т.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Акадкмияси, 2016. – Б. 763.
5. Жиноят ҳукуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Ш.Т.Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Т.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Акадкмияси, 2016. – Б. 763.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги ЎРҚ–64-сон Қонуни. // www.lex.uz/docs/1072079
7. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 февралдаги “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги ЎРҚ–674-сон Қонуни. // www.lex.uz/docs/5294106
8. Раджабов М., Қаландаров У. Ҳакамлик суди афзалликлари, турлари ва иш юритиш доираси. // Bukhara News, 2024 йил 31 март. // bukhara-news.uz/%D2%B3akamlik-sudi-afzalliklari-turlari-va-ish-yuritish-doirasi/
9. Галустьян О.А. Правоохранительные органы: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002. – С. 43-44.; Правоохранительные органы Российской Федерации: Учебник. / Под ред. В.П. Божьева. 3-е изд. – М.: Спарк, 1999. – С. 60-61.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон Қонуни. // www.lex.uz/docs/5534923
11. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги 258-II-сон Қонуни. // www.lex.uz/docs/26477
12. Юсупов Б.Ф. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2012. – Б. 65.
13. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Казахстан. / Под. ред.: И.Ш.Борчашвили. – Алматы: Жет: жарғы, 2007. – С. 908.
14. Уголовное право. Особенная часть / Под ред.: И.Я.Козаченко, Г.П.Новоселова и З.А.Незнамовой. – М., 1998. – С. 655.
15. Гулямов З.Х. Общая характеристика преступлений против правосудия в Республике Узбекистан. // Журнал российского права. – 2002. – № 6. – С. 3.
16. Агузаров Т.К. Уголовно-правовое обеспечение независимости и неприкосновенности судей. Дисс... на соис. учен. степ. канд. юрид. наук. – М.: Московская государственная юридическая академия, 2003. – С. 143.
17. Рарога А.И., Чучаева А.И. Уголовное право России. Части Общая и Особенная. 5 изд. Инфра-М, 2004. – С. 674.
18. Спектор Л.А. Общая характеристика преступлений против судебной власти в сфере осуществления правосудия. // Гуманитарные и социальные науки. – 2014. – № 2. – С. 916.; Спектор Л.А. Об ответственности за преступления против правосудия. // Международный научно-исследовательский журнал. – 2014. – С. 97.
19. Кадыров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. Учебник. – Ташкент: Адолат, 1997. – С. 298.

20. Юсупов Б.Ф. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2012. – Б. 17.; Тошпўлатов А.И. Ёлгон гувоҳлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент, 2008. – Б. 22.
21. Идрисов К.Р. Преступления против правосудия, совершаемые должностными лицами органов предварительного расследования и суда. Дисс... на соис. уч. степ. канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2007. – С. 229.
22. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Ш.Т.Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Т.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 763.
23. Гамазина И.В. Преступления против правосудия, совершаемые лицами, осуществляющими предварительное расследование. // Вестник ТГУ. – 2012. – № 3 (107). – С. 336.

ACADEMIC BOOK